

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ
ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВА МАЛЛИКА ХУСАНОВНА

**ЯНГИ МАХАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ФАРМАКОЛОГИК
ТАЪСИРЛАРИ ВА УЛАРНИ COVID-19 КОМПЛЕКС ТЕРАПИЯСИДА
ИШЛАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ–2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of Dissertation Abstract of the Doctor of Science (DSc)

Турсунова Маллика Хусановна

Янги махаллий ўсимлик воситаларини фармакологик

таъсирлари ва уларни COVID-19 комплекс

терапиясида ишлатиш имкониятлари..... 3

Турсунова Маллика Хусановна

Фармакологические действия новых местных

растительных средств и возможности их использования

в комплексной терапии при COVID-19..... 25

Tursunova Mallika Xusanovna

Pharmacological effects of new local herbal

products and the possibility of their use in

complex therapy against COVID-19..... 47

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 53

**ТОШКЕНТ ТИББИЁТ АКАДЕМИЯСИ ҲУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02
РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ПЕДИАТРИЯ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ

ТУРСУНОВА МАЛЛИКА ХУСАНОВНА

**ЯНГИ МАХАЛЛИЙ ЎСИМЛИК ВОСИТАЛАРИНИ ФАРМАКОЛОГИК
ТАЪСИРЛАРИ ВА УЛАРНИ COVID-19 КОМПЛЕКС ТЕРАПИЯСИДА
ИШЛАТИШ ИМКОНИЯТЛАРИ**

14.00.17 – Фармакология ва клиник фармакология

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ ДОКТОРИ (DSc) ДИССЕРТАЦИЯСИ
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2025

Фан доктори (DSc) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Олий таълим, фан ва инновациялар вазирлиги ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2021.4.DSc/Tib636 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Тошкент педиатрия тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tma.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган

Илмий маслаҳатчи:

Аминов Салахитдин Джураевич
тиббиёт фанлари доктори

Расмий оппонентлар:

тиббиёт фанлари доктори, профессор

тиббиёт фанлари доктори, профессор

тиббиёт фанлари доктори, профессор

Етакчи ташкилот:

Диссертация химояси Тошкент тиббиёт академияси ҳузуридаги DSc.04/30.12.2019.Tib.30.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2025 йил «___» _____ соат _____ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100109 Тошкент, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тошкент тиббиёт академияси 1-ўқув биноси Мажлислар зали. Тел./факс: (+998 78) 150-78-25, e-mail: tta2005@mail.ru).

Диссертация билан Тошкент тиббиёт академияси Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (___ рақам билан рўйхатга олинган). (Манзил: 100109, Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, Фаробий кўчаси 2-уй. Тел./факс: (99878) 150-78-14).

Диссертация автореферати 2024 йил «___» _____ кунни тарқатилди.
(2024 йил «___» _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси)

А.Г. Гадаев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Д.А. Набиева

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий котиби, тиббиёт фанлари доктори, профессор

А.Л. Аляви

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш асосидаги илмий семинар раиси, тиббиёт фанлари доктори, профессор, академик

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурияти. Сўнги йилларда хавфсиз, юқори самарали ва экологик тоза тиббиёт воситаларига бўлган талабларни ошиши муносабати билан фармакологияда ўсимлик дори воситаларига катта қизиқиш кузатилмоқда. Микроорганизмларни антибиотикларга чидамлиги, вирусларнинг мутацияси, ортиб бораётган, сурункали касалликларнинг тарқалиши ва жамиятнинг даволашни табиий усулларига умумий интилиши туфайли ўсимлик моддалари яна фаол илмий изланишлар объектига айланиб бормоқда. Ўсимликлар доимо дори воситалари яратишнинг асоси сифатида қўлланилган, ва hozirgi кунда замонавий дорилар ўсимликлар асосида тайёрланади. Фитотерапевтик воситаларининг устунлиги уларнинг кенг қамровлиги, таркибидаги моддаларининг синергизми ва тўғри фойдаланилгандаги хавсизлигидан иборат. Ўсимлик дори воситалари касалликнинг турли босқичларида комплекс даволашнинг бир қисми сифатида ишлатилиши мумкин – респиратор касалликларнинг енгил турларини олдини олишда, даволашдан қайта тиклашгача, шу жумладан ковиддан кейинги синдромда қўлланилиши мумкин. Биотехнологияларни экстракция усулларини, кимёвий усулларни ривожланиши, ҳамда фармакологик тадқиқотларга янги ёндошувларни жорий қилиниши билан “ўсимлик дори воситаларини ўрганиш янги ахамият касб этади...”¹. Замонавий технологиялар ўсимликларнинг фаол таркибий моддаларини нафақат янада аниқроқ ажрати, балки улар таъсирини молекуляр механизмини ўрганиш имконини ҳам беради, бу эса ўсимлик хом ашёсидан юқори самарали дори воситаларини яратишга кенг йўл очиб беради. Ўсимлик дори воситалари мураккаб тузилишидан иборат бўлиб, улар организмга кўп қиррали таъсир кўрсатади, шу жумладан шамоллашга, бактерияларга ва йўталишга қарши, антиоксидант ва тинчлантирувчи таъсирлар. Ўсимлик дори воситаларининг бу хусусиятлари уларни кўплаб касалликларни, шу жумладан анъанавий усулларни бефойда бўлган даволашда эътиборга лойиқ номзод қилади.

Шунга қарамай кўплаб ўсимлик дори воситаларининг фармакологик хусусиятлари етарлича ўрганилиб аниқ бир тизимга келтирилмаган. Ўсимлик воситалари таркибини ўзгарувчанлиги, уларни бошқа дори воситалари билан мумкин бўлган ўзаро таъсири, ҳамда самарадорлик ва хавфсизлигини клиник синовларда тасдиқлаш зарурияти ҳам муҳим муаммо бўлиб қолади, шу муносабат билан янги ўсимлик воситаларини фармакологик таъсирини ўрганишнинг долзарблиги уларни тиббиёт амалиётида хавфсиз ва самарали қўллашни илмий асосини яратишдан иборат бўлади.

Янги Ўзбекистонни 2022–2026 йилларда ривожлантириш стратегиясида устувор вазифалардан бири «Доривор ва тиббий воситаларнинг маҳаллий ишлаб чиқариш улушини 80 фоизга етказиш...» ҳисобланади.

¹ World Health Organization (WHO).** *Traditional Medicine Strategy 2014–2023*. Available at: <https://www.who.int> (Accessed: October 5, 2023).

Ушбу диссертацияда баён этилган илмий тадқиқотлар 2022 йил 21 январдаги Ўзбекистон Республикаси Президентининг ПФ-55-сон «2022–2026 йилларда Республика фармацевтика соҳасини жадал ривожлантириш бўйича кўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги фармони, 2022 йил 28 январдаги ПФ-60-сон «2022–2026 йилларда Янги Ўзбекистонни ривожлантиришнинг янги стратегияси тўғрисида»ги фармони, шунингдек, 2022 йил 20 майдаги ПФ-139-сон «Доривор ўсимликлар хомашё базасидан самарали фойдаланиш ва қайта ишлашни қўллаб-қувватлаш орқали кўшилган қиймат занжирини яратиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармони ва бошқа қонун ҳужжатларида назарда тутилган вазифаларни маълум даражада амалга оширишга хизмат қилади.

Тадқиқотларни республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг устивор йўналишларига мослиги. Диссертация мавзуси ўсимликлардан олинган янги дори воситасиларни фармакологик хусусиятлари ва COVID-19 ни мажмуавий даволашда улардан фойдаланиш имкониятларини ўрганишга бағишланган. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устивор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи².

Янги доривор ўсимлик воситаларини яратиш, уларни фармакологик хусусиятларини ўрганиш бўйича клиникагача тадқиқотлар ўтказиш ва COVID-19 ни даволашдаги уларни қўллаш имкониятлари тадқиқ қилишга қаратилган илмий изланишлар, жаҳоннинг етакчи илмий - тадқиқот, синов марказлари, шунингдек Hostos Community College, City University of New York (USA), Fairleigh Dickinson University, New Jersey (USA), Institute of Clinical Microbiology and Hygiene, Регенсбургский университет (Германия), School of Pharmacy, University College of London (Великобритания), Medical University of Bialistok (Польша), University of South China (Хитой), University of Gondar (Эфиопия), University of Malakand (Покистон), University of Marilia (Бразилия), «Тиббиётда қўлланиладиган воситалар экспертизасининг Илмий маркази» (Москва, Россия), «Санкт-петербург давлат кимё-фармацевтика университети» (Россия) каби олий ўқув юртларида олиб борилмоқда. Дори воситаларини клиник ва клиникагача бўлган синов лабораторияларида ҳамда жаҳоннинг етакчи марказларида ўтказилаётган, илмий тадқиқот натижалари, ўсимликлардан олинган дори воситалари COVID-19да ёрдамчи симптоматик даволаш усули сифатида фойдаланилиш мумкинлигини (University of Brasilia, Brazil, Liverpool John Moores University, United Kingdom, Trinity College Dublin, Ireland) ва йўтал ҳамда ҳароратни пасайиши кўринишида COVID-19 белгиларини яхшилашда фитотерапиянинг самарадорлиги кўрсатиб берилган ва асосланган (Universitas Padjadjaran,

² Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотларни кўриб чиқиш қуйдаги сайтлар йордамида амалга оширилди: www.ncbi.nlm.nih.gov, www.frontiersin.org, www.onlinelibrary.wiley.com, www.mdpi.com, researchgate.net, www.dovepress.com, www.jamanetwork.com, www.nature.com, www.emedicine.medscape.com, www.sciencedirect.com, www.myrwd.ru, www.medline.ru, www.elibrary.ru, www.medlit.ru, www.rmj.ru, www.covid.gnicpm.ru

Sumedang, Indonesia, International University Malaysia, Kuala Lumpur, Malaysia). SARS-CoV коронавирუსига қарши Glycyrrhiza glabra илдизидан тайёрланган глицирризиннинг тикониятлари очиб берилди (University of Malakand, Pakistan), кўрсатилдики, эхинацея IL-10 яллиғланишга қарши цитокинларни ортишига ва IL-6, IL-8 яллиғланиш олди цитокинлари даражасини камайишига сабаб бўлади (University of Gondar, Ethiopia).

Жаҳоннинг қатор мамлакатларда доривор ўсимликлар ва улар асосида яратилган дори воситаларининг потенциални ўрганишга қаратилган илмий тадқиқотлар фаол олиб борилмоқда. Ушбу тадқиқотлар мазкур воситаларни нафақат асосий, балки ёрдамчи даволаш усули сифатида ҳам респиратор касалликлар, шу жумладан COVID-19 ни даволашда қўллаш имкониятларини ўрганишга қаратилган.

Муаммони ўрганиш даражаси.

Замонавий вируслар таъсирида келиб чиққан нафас йўллариининг яллиғланиш касалликларини даволаш учун янги дори воситаларини излаш долзарб масала бўлиб, бу бизни ушбу тадқиқотларни олиб боришга ундади. Бугунги кунга қадар фақат маълум бўлган дори воситалари билан даволаш усуллари ўрганилган. Бироқ, ўсимлик хом ашёсидан янги дори воситаларини яратиш бўйича олиб борилган тадқиқотлар сони кам. Олиб борилган изланишда (Mikela L. De Pellegrin, A.Rohrhofer, P.Schuster, B.Schmidt, P. Peterburs, A.Gessner, 2021; L.F.Laurindo, L.T.Marton, G.Minniti at all, 2023) доривор ўсимликларни шифобахш имкониятлари ўрганилган, шунингдек уларнинг вирусларга қарши фаоллиги, хўжайин организмнинг иммун жавобини моделлаштириш, регенерация жараёнларини рағбатлантириш ва/ёки вирус репликациясининг турли босқичларига таъсир этиш хусусияти тўғрисидаги маълумотлар ҳам учрайди (Hensell, 2020; В.Душенков, А.Душенкова, 2022; Таубэ А.А.,2022).

Вирусларга қарши самарадан ташқари, интерлейкин IL-6, эритроцитларни чўкиш тезлиги (ЭЧТ) ва С-реактив оксил (СРО) каби яллиғланиш кўрсаткичларига таъсири ҳам ўрганилган, улар цитокинли бўрон (С.А.Demeke, А.Е.Woldeyohanins, Z.D.Kifle,2021), оғирисизлантирувчи самара (Т.Khan, М.А.Khan, Z.R. Mashwani, N.Ullah, A.Nadhman, 2021), йўтални яхшиланиши (D.Silveira, J.M. Prieto-Garcia et all, 2020; М.Комариаһ, Sh.Amirah, S.Maulana, M.F.Abdurrahman at all, 2023) билан боғлиқдир.

Ўзбек олимлари доривор ўсимликларнинг фармакологик хусусиятларини фаол ўрганмоқдалар (С.А. Мухитдинов ва ҳаммуаллифлар, 2021). Хусусан, улар ушбу ўсимликларнинг ёндош таъсирларга эга эмаслиги ва организм учун токсик таъсири йўқлигини таъкидламоқдалар. Ўсимлик келиб чиқишига эга биологик фаол моддалар (флавоноидлар, алкалоидлар, терпеноидлар, сапонинлар)нинг вирус ферментларини ингибиция қилишдаги самарадорлиги ўрганилган (Х.Х. Халматов, 2023). Бироқ, бизнинг мамлакатимизда ўсимликдан олинган препаратларни COVID-19 га қарши комплекс терапияда қўллаш имкониятларини ўрганиш бўйича тадқиқотлар ўтказилмаган.

Респиратор касалликларни даволашда ўсимликдан олинган препаратларнинг потенциал фойдаси ҳақидаги дастлабки маълумотлар мавжуд бўлишига қарамай, уларни қўллаш янада чуқурроқ тадқиқотларни талаб қилади. Ўсимлик доривор воситаларининг самарадорлиги, хавфсизлиги ва оптимал қўллаш усуллари баҳолаш учун доклиник тадқиқотларни ўтказиш зарур. Шу муносабат билан ушбу диссертация иши долзарб ва амалий аҳамиятга эга ҳисобланади.

Диссертация тадқиқот иши мавзусини диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари билан боғлиқлиги.

Диссертация иши Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг “Сурункали касалликларни замонавий ташхислаш ва даволашни самарадорлигини оширишнинг истиқболли йўллари ишлаб чиқиш” №01980006703 сонли мавзуси доирасида илмий – тадқиқот ишларига мувофиқ бажарилди (2021-2024 йй).

Тадқиқотнинг мақсади: COVID-19 ни симптоматик даволаш учун клиник амалиётга тавсия этиш мақсадида янги комбинациялашган ва доривор ўсимликлардан олинган дори воситаларни фармакологик таъсирини ўрганишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

янги дори воситаси Иммунацея – капсулаларини фармакологик хусусиятлари ва хавфсизлигини ўрганиш;

янги комбинацияланган дори воситаси бронхотус форте – эликсирини фармакологик хусусиятлари спектирини очиб бериш ўрганиш;

янги комбинацияланган йўталга қарши дори воситаси амброрит – таблеткаларини фармакологик хусусиятларини ўрганиш;

янги, ўсимликлардан олинган дори воситаси леоглицирфлом – қурук экстрактини фармакологик хусусиятларини ва хавфсизлигини ўрганиш;

янги, ўсимликлардан олинган дори воситаси леоглицирфлом – дражесининг фармакологик хусусиятларини ва хавфсизлигини ўрганиш.

Тадқиқот объекти бешта янги маҳаллий ўсимлик ва комбинациялашган дори воситалари: бронхотус форте - эликсир, амброрит – таблеткалар, иммунацея – капсулалар, леоглицирфлом – қурук экстракти, леоглицирфлом – дражеси бўлди.

Тадқиқот предмети сифатида лаборатория ҳайвонлари олинди. Тажрибалар учун 340 дона оқ зотсиз сичқонлар, 576 дона оқ каламушлар, 60 дона денгиз чўчкаларидан фойдаланилди. Тадқиқотлар «МЕТРНАРМ» МЧЖ қошидаги ISO 17025 – 2019 бўйича аккредитацияланган синов лабораторияси базасида ўтказилди.

Тадқиқот усуллари. Тажриба тадқиқотлари замонавий фармакологик, биокимёвий, микробиологик, гематологик, морфологик, токсикологик ва статистик усуллардан фойдаланиш ёрдамида олиб борилди.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйдагилардан иборат:

экспериментал хайвонларида эхинацея ўтининг курук экстракти антитело хосил қилувчи хўжайраларнинг (АОК) 25,2% га кўпайишига ёрдам бериши ва унинг иммуномодулятор таъсирини аниқланган.

“карагенин билан чақирилган ялиғланиш” моделида амброксол гидрохлорид, зопник регел ўти ва қизилмия илдизларининг комбинацияси П-1b, П-6 интерлейкинлари ва TNF- α даражасига таъсири аниқланган ва уни ялиғланишга таъсири исботланган.

амброксол гидрохлорид ва эритромициннинг янги комбинацияси яққол намоён бўлган муколитик фаоллиги ва *in vitro* тажрибаларида *Staphylococcus aureus* ва *Streptococcus pneumoniae* микробларини ўсишини пасайтириши аниқланган.

ўсимликлардан олинган янги доривор воситаси леоглицирфлом – курук экстракти оқ сичқонларнинг ҳаракат фаолигига таъсири, яъни уларнинг фаоллигини пасайиши ва оқ каламушларнинг тез ухлаб қолиши ва уларни уйқу давомийлигини ошириши аниқланган.

формалин билан чақирилган асептик ялиғланиш фонида, ялонғоч қизилмия илдизи, регел қозилуқ ўти ва арслонқуйруқ ўсимлигининг курук экстрактларининг комбинацияси дозага боғлиқ бўлган ҳолда, ялиғланишга қарши таъсири исботланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари:

«Леоглицирфлом – курук экстракти» дори воситаси “Тиббий техника ва дори воситалари сифатини назорат қилиш” Бош бошқармасида тинглантурувчи дори воситаси сифатида, Давлат қайд рақами № DV/M 01568/06/17 билан рўйхатдан ўтказилди;

«Иммунацея - капсулалар» дори воситаси “Дори воситалари, тиббий буюмлар ва тиббий техника экспертизаси ва стандартизацияси” Давлат марказида Давлат қайд рақами № DV/M 04037/02/22 билан иммуномодуловчи дори воситаси сифатида рўйхатдан ўтказилди;

“Бронхотус форте – эликсир” дори воситасига корхонанинг фармакопоя мақоласининг лойҳаси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги ДМ “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази”да қайд этиш ва тасдиқлаш учун топширилди;

олиб борилган тадқиқотлар асосида “Йўталга қарши дори воситаларини самарадорлигини баҳолашда цитокинлар даражасини аниқлаш усули” услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди;

йўталга қарши дори воситалари “Бронхотус-форте эликсир” ва “Амброрит”-таблеткаларини клиникагача бўлган ўрганиш усуллари” услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги: Ўтказилган тадқиқот натижаларининг ишончлилиги даражаси фойдаланилган лаборатория хайвонларининг миқдорини етарлилиги, кузатишларнинг давомийлиги, қиёсий гуруҳ ва назорат гуруҳларини шакллантирилганлиги билан аниқланади. Олиб борилган тадқиқотлар материалларини мос ҳолда танлаб олинганлиги ва услубий жиҳатдан аниқлиги, фойдланган усулларнинг замонавийлиги, олинган натижаларни статистик қайта ишлаш, уларни

хорижий тадқиқотлар билан қиёсланиши, хулоса ва олинган натижалар ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти бешта янги маҳаллий дори воситаларининг: «Иммунацея - капсулалар», «Бронхотус форте - эликсир», «Амброрит - таблеткалар», «Леоглицирфлом – куруқ экстракти», «Леоглицирфлом - драже» хавфсизлиги ва фармакологик самарадорлигини исботлашдан ва уларнинг таъсир механизмини очиб беришдан иборат бўлди.

Диссертация ишининг амалий аҳамияти COVID-19 ни симптоматик даволашда ўрганилган дори воситаларини қўллаш имкониятини асослашдан иборат бўлди. Олиб борилган фармакологик тадқиқот натижалари ЎЗР Давлат реестрида қайд этилган дори воситалари рўйхатини тўлдирди.

Тадқиқотда олинган натижалар асосида йўталга қарши дори воситаларини ўрганишни қулай амалга ошириш усули бўйича услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди ва жорий этилди, шунингдек йўталга қарши дори воситалари самарадорлигини баҳолашда цитокинлар даражасини аниқлаш усули ишлаб чиқилди ва жорий этилди.

Тадқиқот натижаларини жорий этилиши: Тошкент педиатрия тиббиёт институти Эксперт кенгашининг 2024 йилдаги 16 сентябрдаги 06/04 – сонли хулосасига кўра (илмий янгиликни бошқа соғлиқни сақлаш муассасаларига жорий этиш бўйича Тошкент педиатрия тиббиёт институтининг 2024 йил 16 сентябрдаги - сонли хати Соғлиқни сақлаш вазирлигига тақдим этилди):

биринчи илмий янгилик: экспериментал хайвонларида эхинацея ўтининг куруқ экстракти антитело хосил қилувчи хўжайраларнинг (АОК) 25,2% га кўпайишига ёрдам бериши ва унинг иммуномодулятор таъсирини аниқланган. Олинган натижалар асосида «Иммунацея - капсулалари» доривор воситаси рўйхатга олинди (Давлат қайд рақами № DV/M 04037/02/22) ва иммуномодуловчи доривор воситаси сифатида «Sharq darmon» МЧЖ (Ўзбекистон) да ишлаб чиқариш учун жорий этилди. (Соғлиқни сақлаш вазирлиги хузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сонли хулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги қуйдагилардан иборат: янги “Иммунацея - капсулалари” дори воситаси юқори нафас йўллари касалликларини олдини олиш профилактика воситаси сифатида, ҳамда ковиддан кейинги даврда тавсия этилади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: “Иммунацея -капсулаларини” ишлаб чиқарилишга жорий этилиши рентабел махсулотни ишлаб чиқаришга имкон беради. Қаттиқ желатинли капсуладаги “Иммунацея” дори воситасининг нархи 100 дона капсула учун 30 200 сўмни ташкил этади, бу эса хориждан келтирилган “Lek dd” (Словения) корхонасида ишлаб чиқарилган “Иммунал” препаратига нисбатан 7 800 сўмга арзон. Хулоса: “Иммунацея капсулалари” дори воситаси ўткир ва сурункали респиратор, ҳамда COVID-19 касалликларидаги иммун танқислиги ҳолатларини олдини олиш ва даволаш учун иммуномодуловчи ва яллиғланишга қарши дори воситаси сифатида клиник амалиётига тавсия этилиши мумкин.

иккинчи илмий янгилик: “карагенин билан чақирилган ялиғланиш” моделида амброксол гидрохлорид, зопник регел ўти ва қизилмия илдизларининг комбинацияси IL-1b, IL-6 интерлейкинлари ва TNF- α даражасига таъсири аниқланган ва уни ялиғланишга таъсири исботланган. Олинган маълумотлар асосида “Йўталга қарши дори воситаларининг самарадорлигини баҳолашда цитокинлар даражасини аниқлаш усули” (Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 2023 йил 10 июндаги 03/77 – сон билан тасдиқланган) мавзусида услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди ва қуйидагиларга жорий этилди: Ўсимлик моддалари кимёси институти қошидаги фармакология ва токсикология лабораториялари амалиётига; Фармацевтик таълим ва тадқиқотлар институти қошидаги илмий лаборатория фаолиятига ҳамда Тошкент фармацевтика институти Фармакология ва клиник фармация кафедраси ўқув дастурларига киритилди. «RADIKS» МЧЖ си ҳамкорлигида «Бронхотус форте – эликсир» дори воситасига корхонанинг фармакопея мақоласи лойиҳаси ишлаб чиқилди ва Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги қошидаги “Фармацевтика маҳсулотлари хавфсизлиги маркази” ДМ да қайд этиш ва тасдиқлаш учун топширилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сонли ҳулосаси). Илмий янгиликнинг ижтимоий самарадорлиги: Олинган натижалар юқори нафас йўллари касалликларида йўталга қарши ва муколитик дори воситаси сифатида клиник амалиётга жорий этилишини мақсадга мувофиқлиги ва ижтимоий самарадорлигини тасдиқлайди. Иқтисодий самарадорлиги: «Бронхотус форте – эликсир» дори воситаси яхши технологик хусусиятларини кўрсатди ва унинг сироп шакли МТХ нинг физик –кимёвий ва эксплуатацион талабларига жавоб беради. «RADIKS» МЧЖ сининг ишлаб чиқаришига жорий этилгани тежамкор маҳсулотни ишлаб чиқариш имконини беради. «Бронхотус форте – эликсир» нинг 1 флакони 16 200 сўмга тенг, бу эса Россиянинг “Фармстандарт - лексредства” ОАЖсининг “Коделак@Бронхо с чабрецом” дори воситасидан 21 800 сўмга арзон бўлиб, иқтисодий самарадорликдан далолат беради. Хулоса: олинган маълумотлар, шубҳасиз «Бронхотус форте – эликсир» дори воситасини респиратор касалликларида йўталга қарши қўллашга имкониятини кўрсатди.

учинчи илмий янгилик: амброксол гидрохлорид ва эритромициннинг янги комбинацияси яққол намоён бўлган муколитик фаоллиги ва *in vitro* тажрибаларида *Staphylococcus aureus* ва *Streptococcus pneumoniae* микробларини ўсишини пасайтириши аниқланган. Олинган маълумотлар асосида “Йўталга қарши дори воситаларини клиникагача бўлган тадқиқот усуллари” (Тошкент педиатрия тиббиёт институтида 2024 йил 6 март санасида №03/196 – сон билан тасдиқланган) мавзусида услубий тавсияномалар ишлаб чиқилди ва қуйидагиларга жорий этилди: Ўсимлик моддалари кимёси институти қошидаги фармакология ва токсикология лабораториялари амалиётига; Фармацевтик таълим ва тадқиқотлар институти қошидаги илмий лаборатория фаолиятига ва Тошкент фармацевтика институти Фармакология ва клиник фармация кафедраси ўқув дастурларига

киритилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сонли хулосаси). Иқтисодий самарадорлиги: услубий тавсияномаларда кўрсатилган усуллар осон такрорланади ва тажриба ўтказиш харажатларини 170 000 сўмга камайтиради. Хулоса: услубий тавсияномалар экспериментал ва клиник фармакология, синов лабораториялари, илмий – тадқиқот институтлари мутахассислари учун мўлжалланган

тўртинчи илмий янгилик: ўсимликлардан олинган янги доривор воситаси леоглицирфлом – қуруқ экстракти оқ сичқонларнинг харакат фаолигига таъсири, яъни уларнинг фаоллигини пасайиши ва оқ каламушларнинг тез ухлаб қолиши ва уларни уйку давомийлигини ошириши аниқланган. Ижтимоий самарадорлиги: «Леоглицирфлом – қуруқ экстракти» доривор воситаси (Давлат қайд рақами №DV/М 01568/06/17) тинчлантирувчи дори воситаси сифатида С.К.Ислombeков номидаги (Ўзбекистон) O'zkiyoofarm, АЖда ишлаб чиқариш учун жорий этилди (Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузуридаги илмий техник кенгашнинг 2024 йил 25 сентябрдаги 6-сонли хулосаси). Иқтисодий самарадорлиги: «Леоглицирфлом – қуруқ экстракти» яхши технологик хусусиятларини кўрсатди, ва унинг қуқун шакли физик –кимёвий ва эксплуатацион талабларига жавоб беради. С.К.Ислombeков номидаги O'zkiyoofarm АЖда ишлаб чиқаришига жорий этилиши тежамкор маҳсулотни ишлаб чиқаришга имкон беради. «Леоглицирфлом – қуруқ экстракти» нинг 1 сашеси 12 000 сўмга тенг, бу эса шубҳасиз, иқтисодий самарадорликдан далолат беради. Хулоса: олинган маълумотлар, «Леоглицирфлом – қуруқ экстракти» ни тинчлантирувчи дори воситаси сифатида қўллаш имкониятини кўрсатади.

бешинчи илмий янгилик: формалин билан чақирилган асептик ялиғланиш фониди, ялонғоч қизилмия илдизи, регел қозиқулоқ ўти ва арслонқуйруқ ўсимлигининг қуруқ экстрактларининг комбинацияси дозага боғлиқ бўлган ҳолда, ялиғланишга қарши таъсири исботланган. Олинган натижалар маҳаллий хом ашёдан яратилган янги дори воситасини маҳаллий ишлаб чиқаришга жорий этиш имконини беради, бу эса импорт қилинадиган қиммат баҳо дори воситаларига нисбатан аҳоли учун анча арзонга тушади. Илмий янгиликнинг иқтисодий самарадорлиги: «Леоглицирфлом – дражеси» яхши технологик хусусиятларини кўрсатди. Ишлаб чиқаришга жорий этилиши тежамкор маҳсулотни ишлаб чиқариш имконини беради. «Леоглицирфлом – драже» сининг 1 упаковкаси 12 000 сўмга тенг, бу эса шубҳасиз, иқтисодий самарадорликдан далолат беради. Хулоса: «Леоглицирфлом – драже» дори воситаси фармакотерапевтик самарадорлигига эга, бу уни юқори нафас йўллари касалликларини олдини олиш ва даволлаш учун тавсия этиш имконини беради.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Диссертациянинг натижалари ва унинг асосий ҳолатлари 5 илмий - амалий анжуманларда баён этилди ва муҳокамадан ўтказилди.

Тадқиқот натижаларини нашр этилиши. Диссертация мавзуси бўйича 29 илмий ишлар чоп этилди, улардан 16 таси журнал мақолалари бўлди.

Мазкур мақолалардан 8 таси Ўзбекистон Республикаси ОАК тавсия этган, тақризланган хорижий илмий журналларда, 8 таси маҳаллий илмий журналларда нашр этилди.

Диссертациянинг тузилмаси ва хажми. Диссертация иши кириш, 6 та боб, хотма, хулосалар, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан ташкил топган. Диссертациянинг хажми 173 саҳифани ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш мавзунинг долзарблиги ва заруриятининг асослашга бағишланган. Мақсад ва вазифалари, объектлар ва тадқиқот предмети шакллантирилган, тадқиқотни Ўзбекистон республика фан ва технологиялари ривожланишини устивор йўналишларига мослиги кўрсатилган. Тадқиқотнинг натижаларини назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, олинган натижаларнинг ишончлилиги асослаб берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий этиш бўйича, нашр этилган илмий ишлар ва апрбация ҳамда диссертация тузилиши тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг биринчи боби «**Янги коронавирус инфекцияси COVID-19 ва доривор ўсимлик дори воситаларини қўллаш истиқболлари (замонавий илмий адабиётлар шарҳи)**» деб номланган. Биринчи боб учта кичик бобчалардан ташкил топган ва 1.1. – янги коронавирусли инфекция COVID-19 нинг этиологияси ва патогенезини очиб беради, 1.2. COVID-19 ни дори воситалари билан даволашга замонавий ёндошувлар ва 1.3. COVID-19 ни даволашда доривор ўсимлик воситаларини қўллашнинг истиқболлари кўрсатилган.

Диссертация ишининг «**Тадқиқот материаллари ва усуллари**» деб номланган иккинчи бобида тадқиқотга киритилган хар бир ўрганилган дори воситасини тўлиқ тавсифи келтирилган. Олинган натижаларни статистик қайта ишлаш усуллари ва тадқиқот усуллари баён этилган.

Тадқиқот объектлари бўлиб, Тошкент фармацевтика институтида яратилган бешта янги дори воситалари бўлди: «Иммунацея - капсулалар», «Бронхотус форте - эликсир», «Амброрит - таблеткалар», «Леоглицирфлом – куруқ экстракти», «Леоглицирфлом - драже».

Қўйилган мақсад ва вазифаларни ҳал этиш учун доривор воситаларнинг токсикологик хавфсизлиги ва фармакологик самарадорлигини баҳолаш бўйича клиникагача бўлган кўп босқичли тадқиқотлар амалга оширилди. Тажрибалар учун 340 дона оқ зотсиз сичқонлар, 576 дона оқ каламушлар, 60 дона денгиз чўчқалари ва 50 қуёнлардан фойдаланилди. Барча тажриба тадқиқотлари Женева конвенцияси (Geneva, 1990) ва клиникагача бўлган тадқиқотларни ўтказишга қўйилган талабларга (Хабриев Р.У., 2005 й.) мос холда ўтказилди. Тажриба тадқиқотлари фармакологик, биокимёвий, микробиологик, гематологик, морфологик, токсикологик ва статистик усуллардан фойдаланиш асосида олиб борилди. Олинган натижаларни қайта

ишлашда STATISTICA 6.0 амалий дастурининг статистик тўпламидан фойдаланилди.

Диссертация ишининг «Иммуномодулирловчи дори воситаси Иммунацея- капсулаларни ўрганиш» деб номланган учинчи бобида янги доривор ўсимлик воситаси Иммунацея – капсулаларини текшириш натижалари тақдим этилган. Иммунацея – капсулаларининг иммунотроп фаоллигини Lek d.d. (Словения) томонидан ишлаб чиқилган Иммунал дори воситаси билан солиштириш орқали ўрганилди.

Тажриба жараёнида аниқландики, назорат гуруҳи сичқонларида АОК миқдори, сичқонлар талоғида $88,2 \pm 4,2 \times 10^6$ ни ташкил этди. Иммунацея – капсулалари ўсимлик воситасини 2%ли эритмасини 7-кун давомида оғиз орқали зонд билан юборилди. Назорат гуруҳининг кўрсаткичларига нисбатан сичқонлар талоғида АОК ни 25,2% ($P < 0,05$) га ортиши кузатилди, бу доривор воситада иммуностимулловчи самаранинг мавжудлигини кўрсатади (1-жадвал).


1-жадвал

Иммунацея-капсулалари дори воситасини Lek d.d. (Словения) томонидан ишлаб чиқарилган Иммунал дори воситаси билан солиштирилганда, иммун тизимга таъсири $M \pm m$, $n=6$

Сичқонларнинг вазни, г	Гуморал иммунитетни баҳолаш	
	АХҚХ $\times 10^6$	%
Назорат гуруҳи		
$20,2 \pm 1,2$	$88,2 \pm 4,2$	-
Иммунацея капсулаларининг 2% сувли эритмаси		
$19,8 \pm 1,1$	$110,4 \pm 6,4^*$	25,2
Иммунал Lek d.d.		
$20,3 \pm 1,5$	$112,2 \pm 6,5^*$	27,2

Изоҳ: назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,05$).

Cotton pellet моделида Иммунацея – капсулалари дори воситасининг антиэкссудатив самараси 52,0%, антипролифератив таъсири эса – 95,0 % ташкил этди, бу шундан дарак берадики, дори воситаси ишончли даражада яллиғланишга қарши таъсирга эга (1-расм).



Изоҳ: назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,05$).

1-расм. Иммунацея – капсулалари ва Lek d.d. томонидан ишлаб чиқарилган Иммунал дори воситасининг яллиғланишга қарши фаоллиги, $M \pm m$, $n=6$

Иммунацея – капсулалари дори воситаси амалий жиҳатдан захарсиз гуруҳга киради ва кумулятив хусусиятга эга эмас, турли дозаларда узок муддат меъда ичига киритиш турли орган ва тизимларда патологик ўзгаришларни юзага келтирмади, аллергия хусусиятларига эга эмас, урғочи ва эркак оқ каламушларнинг репродуктив тизимига таъсир кўрсатмайди, эмбриотоксик ва тератоген хусусиятларга эга эмас.

Диссертациянинг «Йўталга қарши бўлган Бронхотус форте – эликсир ва Амброрит –таблеткаларини ўрганиш» деб номланган тўртинчи бобида Бронхотус форте – эликсир ва Амброрит – таблеткалари дори воситаларини клиникагача текшириш натижалари келтирилди. Йўталга қарши бўлган Бронхотус форте эликсирининг фаоллиги ўрганилганда аниқландики, бу гуруҳга кирувчи денгиз чўчқаларида биринчи кун билан солиштирилганда йўтал хуружи миқдори 67%га камайиши кузатилди (2-жадвал).

Яъни биринчи кун йўтал хуружларининг сони (дори воситаси киритилгунча) $37,8 \pm 1,4$ мартани, тажрибанинг иккинчи кунда эса (дори воситаси киритилгандан кейин) йўтал хуружларининг сони $12,5 \pm 1,0$ мартани ташкил этди (2-жадвал).


Тадқиқот натижалари кўрсатадики, «Бронхотус форте» эликсири якқол намоён бўлган муколитик таъсирга эга ва ўз таъсири бўйича қиёсий дори воситаси “Коделак® Бронхо с чабрецом” дан қолишмайди.

**Бронхотус форте эликсирининг “Коделак® Бронхо с чабрецом”
эликсири билан солиштирилганда йўталга қарши фаоллиги, $M \pm m$, $n=6$**

Денгиз чўчқаларининг вазни, г	Дори воситасининг дозаси		Йўталлар сони	
	мг/кг	мл	Дори восита киритилгунча (1 кун)	Дори восита киритилгандан кейин (2 кун)
Назорат гуруҳи (тозаланган сув)				
322,5 ± 14	-	1	37,5 ± 1,0	37 ± 0,8
Бронхотус форте – эликсир				
327,5 ± 9,3	250		37,8 ± 1,4	12,5 ± 1,0
“Коделак® Бронхо с чабрецом”				
321,7 ± 13	250		37,1 ± 1,1	23,5 ± 1,1

Изоҳ: назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,05$).

Бундан ташқари, яллиғланишга қарши таъсири ўрганилганда аниқландики, «Бронхотус форте» ишончли равишда яллиғланишга қарши таъсир кўрсатди, у «караген» билан чақиртирилган шишни етарли даражада пасайтириши билан исботланди. 3 соатдан кейин «Бронхотус форте – эликсир» дори воситаси таъсири, назорат гуруҳи билан солиштирилганда кафтчалар яллиғланишини 67%га камайиши кузатилди (2-расм).



Изоҳ: назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,05$).

2-расм. «Бронхотус форте - эликсир ва «Коделак® Бронхо – эликсир с чабрецом» дори воситаларини яллиғланишга қарши таъсири

Яллиғланишни камайиши капиллярларнинг ўтказувчанлигини қисқариши билан тушунтирилади, бу микроциркуляция жараёнларини меъёрлашишига таъсир кўрсатади. Дори воситалари таркибидаги флавоноидлар, микроциркуляцияни тикланишига ва капиллярларнинг ўтказувчанлигига, баъзи ошловчи моддалар ва полифенол бирикмалари эса, лизосоманинг хужайра деворларини турғунлашишига сабаб бўлади.

“Коделак® Бронхо с чабрецом” дори воситаси ҳам, шунингдек яллиғланишга қарши таъсир кўрсатди, кузатишлардан уч соат ўтиб, яллиғланишга қарши самара 32% ни ташкил этди.

Ушбу тадқиқотлар шуни кўрсатдики, ўрганилаётган дори воситаси Бронхотус форте - эликсир яққол намоён бўлган яллиғланишга қарши таъсирга эга ва ўз таъсири бўйича референт дори воситаси “Коделак® Бронхо с чабрецом”дан 2 қарра устунликка эга бўлди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, карагенин билан чақирилган асептик яллиғланишга учраган каламушларда «Бронхотус форте» эликсири таъсирида қон зардобидеги ИЛ-1β миқдори статистик жиҳатдан икки баравар пасайди, Интерлейкин-6 миқдори эса назорат гуруҳига нисбатан 2,4 баравар камайди. Шунингдек, ФНОα даражасида ўзгаришлар кузатилди, яъни унинг миқдори назорат гуруҳига нисбатан 20% га пасайди.

Тадқиқ қилинган «Бронхотус форте – эликсир» дори воситаси адаптив жавобни таъминлаб, карагенин билан чақирилган яллиғланиш жараёнининг кучайишини камайтирди ва ўз таъсири бўйича «Коделак® Бронхо с чабрецом – эликсир» дори воситасидан кам бўлмади. Олинган натижалар шуни кўрсатадики, «Бронхотус форте – эликсир» таъсирида яллиғланиш камайган бўлиб, тадқиқ қилинган дори воситаси ўзининг аналогидан кучлироқ таъсир кўрсатган.

Олинган натижалар шундан дарак берадики, «Бронхотус форте – эликсир» таъсири остида карагенинли яллиғланишни камайиши кузатилди, бунда ушбу дори воситаси референт дори воситасига нисбатан янада кучли таъсир кўрсатди.

Шундай қилиб, «Бронхотус форте» - эликсир дори воситаси захарлилиги бўйича VI синфига таълуқли бўлиб, организмга бир марта киритилганда, нисбатан зарарсиз бўлиб, кумулятив хусусиятга эга эмас, турли дозаларда узок вақт киритилганда ички аъзоларда патологик холатларни юзага келтирмайди.

Ўрганилаётган Амброрит – таблеткалари дори воситасининг муколитик фаоллигини ўрганиш бўйича тадқиқотларда олинган натижалар шуни кўрсатдики, назорат гуруҳидаги каламушларда балғам миқдори ва уни нисбатан ажралиб чиқиши $0,11 \pm 0,013$ мл ни ва $0,04 \pm 0,005$ мл/ 100 г тана вазнини ташкил этди. Дори воситаси киритилгандан кейин, назорат гуруҳи билан қиёсланганда, 30мг/кг дозада Амброрит таблеткаларидан тайёрланган сувли эритма қабул қилган каламушлардаги балғам хажми 1,91 мартага ($P < 0,05$), балғам массаси эса 2 мартага ошди ($P < 0,05$). Бу кўрсаткичлар $0,21 \pm 0,012$ мл ни ва $0,08 \pm 0,005$ мл/100г ҳайвонларнинг тана вазнини ташкил этди. «MERRYMED FARM» МЧЖси (Ўзбекистон) томонидан ишлаб чиқарилган, «Амброксол» дори воситасини қабул қилган каламушларда назорат гуруҳи билан солиштирилганда, $0,18 \pm 0,01$ мл и $0,07 \pm 0,003$ мг/ 100 ҳайвонларнинг

тана вазнига тенг бўлган холда, балғам хажми 1,64 мартага ($P<0,05$), балғамнинг нисбий массаси эса - 1,75 ($P<0,05$) мартага ошди (3-жадвал).

3-жадвал

Амброрит ва Амброксол дори воситасиларининг муколитик фаоллигини ўрганиш натижалари, ($M\pm m$, $n=6$)

Оқ каламушларнинг тана вазни, г	Доза, мг/кг	Балғам хажми, мл	Балғам хажми, мл/100г
Назорат гуруҳи + тозаланган сув 2 мл			
223,5±5,2	1,0	0,11±0,013	0,04±0,005
Амброрит - таблеткалари			
227,0±3,8	30	0,21±0,012	0,08±0,005
Амброксол - таблеткалари			
224,0±4,2	30	0,18±0,01	0,07±0,003

Изоҳ: назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P<0,05$).

3-жадвалдан кўриниб турибдики, “Амброрит – таблеткалари” дори воситаси, “Амброксол” дори воситасига нисбатан таққосланганда, янада яққол намоён бўлган балғам ажратувчи таъсир (1,17 ва 1,14 мартадан юқори) кўрсатди. Демак, қиёсий дори воситасилар муколитик фаоллиги бўйича биологик эквивалент бўлиб ҳисобланди, бироқ янги муколитик дори воситаси “Амброрит – таблеткалари” “Амброксол-таблеткаларига” нисбатан солиштирилганда, эҳтимол унинг таркибидаги эритромициннинг мавжудлиги билан боғлиқ холда бир неча марта устунликка эга бўлди.

Микробларга қарши фаолликни ўрганиш кўрсатдики, “Амброрит – таблеткалари” «MERRYMED FARM» МЧЖси томонидан ишлаб чиқарилган 30 граммли Амброксол-таблеткалари дори воситасидан фарқли равишда, яққол намоён бўлган микробга қарши таъсирга эга. Унинг таркибида эритромицинни мавжудлиги ҳам граммусбат, ҳам грамманфий микроорганизмларга бактериостатик ва бактерицид таъсир кўрсатади.

“Амброрит – таблеткалари” дори воситаси, заҳарли моддалар таснифига кўра, VI – кам заҳарли моддалар гуруҳига киради.

Диссертациянинг **бешинчи бобида** “Леоглицирфлом – куруқ экстракти” дори воситасини ўрганиш натижалари баён этилган. Седатив таъсирни ўрганишда, “Леоглицирфлом - куруқ экстрактини” оқ сичқонларнинг ҳаракат фаоллигига таъсири, шунингдек ЗАО Эвалар (Россия) “Пустырник Форте Эвалар” таблеткалари билан солиштирилганда, уретанли уйқунинг давомийлигини узайтирувчи хусусиятлари ўрганилди.

«Леоглицирфлом - куруқ экстрактининг» 10% ли сувли эритмасини 300 мг/кг дозасини каламушларда уретан уйқунинг давомийлиги ва «righting reflex» сиз, яъни айланиш рефлексисиз ёнбош ҳолатини юзага келишини латент вақти қайд этилди. Олиб борилган тажрибалар кўрсатдики, 300 мг/кг дозада “Леоглицирфлом - куруқ экстракти”нинг 10% ли сувли эритмасини қабул қилган ҳайвонларда, ёнбош ҳолати $1,7 \pm 0,2$ ($P<0,05$) дақиқадан кейин юзага келди,

уйқунинг давомийлиги эса $189,2 \pm 16$ дақиқани ($P < 0,05$) ташкил этди, бу вақтда назорат гуруҳидаги ҳайвонларда уйқу, 1%ли уретан эритмаси киритилгандан кейин $5,2 \pm 0,3$ дақиқадан сўнг бошланди, назорат гуруҳидагиларда уйқунинг давомийлиги $91,3 \pm 20$ дақиқани ташкил этди (4-жадвал).

Олинган натижалар кўрсатдики, уретаннинг 1%ли эритмасини қабул қилган каламушлар, «Леоглицирфлом» нинг қуруқ экстракти таъсири остида назорат гуруҳига нисбатан солиштирилганда 3 марта тезроқ уйқуга кетдилар, уларнинг уйқуси эса 2 марта узокроқ давом этди.

Шундай қилиб, дори воситасини ҳаракат фаоллигига таъсирини ўрганиш ва уретан билан чақирилган уйқуни узайтиришида “Леоглицирфлом - қуруқ экстракти” оқ сичқонларнинг ҳаракат фаоллигига таъсир кўрсатди, оқ каламушларда уйқу давомийлиги ва ухлаш вақтини ишончли оширди ($P < 0,05$) ва ўзининг таъсири бўйича ЗАО Эвалар Россия томонидан ишлаб чиқарилган “Пустырник Форте Эвалар” таблеткаларидан қолишмади.

4-жадвал

“Леоглицирфлом - қуруқ экстракти” таъсири остида оқ каламушлардаги уретан уйқунинг давомийлиги, $M \pm m$

Гуруҳ №	Вазн, г	Уретан дозаси (мг/кг)	Дори воситаси дозаси (мг/кг)	Уйқунинг латент вақти, (дақиқа)	Уйқунинг давомийлиги, (дақиқа)
Назорат гуруҳи					
1	$166,1 \pm 13$	30	-	$5,2 \pm 0,3$	$91,3 \pm 20$
«Леоглицирфлом» қуруқ экстракти					
2	$169,5 \pm 11,47$	30	300	$1,7 \pm 0,2$ $P < 0,05$	$189,2 \pm 16$ $P < 0,05$
Пустырник Форте Эвалар таблеткалари					
3	$170,5 \pm 10,5$	30	300	$1,6 \pm 0,2$ $P < 0,05$	$193,2 \pm 15,2$ $P < 0,05$

Изоҳ: * - назорат ва тажриба гуруҳлари ўртасидаги фарқлар ишончли ($P < 0,05$).

Диссертациянинг **олтинчи бобида** формалин билан чақирилган яллиғланишга қарши моделида “Леоглицирфлом – драже” дори воситасининг ўрганиш натижалари тақдим этилди, унинг дозага боғлиқ бўлган холда яллиғланишга қарши таъсири аниқланди.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, “Леоглицирфлом дражеси”нинг 100мг/кг дозада сувли эритмасини киритилганда, флогоген агентини ифодаси сезиларли даражада пасайди, ва назорат гуруҳидаги каламушларнинг кўрсаткичларидан сезиларли даражада 1,16 ($P < 0,05$) ва 1,21 ($P < 0,05$) мартага кам бўлди, муддатларга нисбатан. Панжа хажмини ўсиши ҳам назорат гуруҳига нисбатан 1,4 ($P < 0,05$) ва 1,67 ($P < 0,05$) мартага ишончли равишда паст бўлди. Доза 2 марта оширилганида, дори воситасининг яллиғланишга қарши самараси ўсди. 200 мг/кг дозада “Леоглицирфлом драже”сининг сувли эритмаси қўлланилганда панжалар хажми назорат гуруҳи кўрсаткичларига нисбатан 1,56 ($P < 0,05$) ва 1,85 ($P < 0,05$) га ишончли равишда паст бўлди.

Шундай қилиб, “Леоглицирфлом – дражеси”нинг 1%ли сувли эритмасини яллиғланишга қарши таъсирини ўрганиш кўрсатдики, дори воситаси 100мг/кг дозада ишончли яллиғланишга қарши таъсир кўрсатди, 200 мг/кг дозада эса янада яққол намоён бўлган яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлди ва ўз таъсири билан “Қизилмия илдизи сиропи” дан ортда қолмади. Дори воситаси заҳарлилиги бўйича VI синфга киради (амалий жиҳатдан заҳарсиз), кумулятив хусусиятга эга эмас, тана вазнига нисбатан 25 мг/кг, 50 мг/кг ва 250 мг/кг дозаларда меъда ичига узоқ вақт киритилганда турли аъзо ва тўқималарда патологик ўзгаришларни чақирмайди, таъсирлантирувчи ва аллергия чақирувчи хусусиятларга эга эмас.

ХОТИМА

COVID - 19 касаллигини даволаш учун дори воситасиларини ишлаб чиқариш, ҳозирги кунга қадар долзарб бўлиб ҳисобланади, вақтнинг кўрсатишича SARS-CoV-2 вируси мутацияланиш қобилиятига эга ва мавжуд бўлган дори воситасиларининг самарадорлигини пасайишига олиб келади. Пандемия вақтида COVID- 19 ни даволаш учун клиник тавсиялар ишлаб чиқилди, уларда яллиғланишга қарши, иммуномодулирловчи, балғам ажратувчи ва бошқа хусусиятларга эга бўлган дори воситалар учун алоҳида муҳим рол ажратилади.

Шу муносабат билан ўсимликлар асосидаги дори воситаларининг янги комбинациясини COVID – 19 ни симптоматик даволаш учун тавсия этиш имконияти ва фармакологик таъсирини ўрганиш катта қизиқиш уйғотди.

Тажриба маълумотларининг таҳлили кўрсатдики, ёрқин тўққизил Эхинацея ўсимлигидан олинган фаол модданинг таъсири ҳисобига “Иммунацея – капсулаларининг” доривор моддаси иммуномодулловчи ва яллиғланишга қарши таъсирга эга бўлади. “Иммунацея – капсулалари” доривор воситасининг 2%ли эритмасини 7 кун давомида тажриба хайвонларига оғиз орқали юборилиши, назорат гуруҳидаги белгиларга нисбатан оқ сичқонлар талоғида АОК ни 25,2% га ортишига олиб келди ($P < 0,05$), бу эса уни иммуностимуллаш самарасининг мавжудлигини кўрсатади.

«Cotton pellet» моделида яллиғланишга қарши хусусияти аниқланди, яъни “Иммунацея – капсулалари” дори воситасининг антиэкссудатив самараси 52,0 %, антипролифератив самараси эса – 95,0 % ни ташкил этди. Қиёслаш учун Lek d.d. (Словения) томонидан ишлаб чиқарилган Иммунал дори воситасидан фойдаланилди. Тажриба тадқиқотлари кўрсатдики, ўз таъсирига кўра “Иммунацея” дори воситаси, қиёсий дори воситасидан қолишмади. “Иммунацея” дори воситасининг таъсир механизми унинг таркибига кирувчи фаол моддалар таъсири билан тушунтирилади. Адабиёт маълумотларига кўра, тўққизил Эхинацеянинг фаол моддаси суяк кўмигида қон хосил бўлишини тезлаштиради, талоқдаги ретикулоэндотелиал тизим хужайралари ва лейкоцитлар миқдорини оширади. Эхинацея таркибидаги эфир мойлари, флавоноидлар, сапонинлар, полиаминлар, эхинацин, эхинолон, эхинакозид, органик кислоталар ва фитостеринлар гранулоцитлар хемотаксиси ва

макрофагларнинг фагоцитоз фаоллигини кучайтиради, цитокинлар ажралиб чиқишига олиб келади, макрофагларда интерлейкин-1 ҳосил бўлишига таъсир этади, плазматик хужайраларда В-лимфоцитлар трансформациясини тезлаштиради, антитело ҳосил бўлиши ва Т-хелперларнинг фаоллигини кучайтиради. Унинг таркибида селен, рух ва молибденни мавжудлиги организмнинг антиоксидант фермент тизимларини фаоллаштириб, фермент тизимлари ишини стимуллади, шу йўл билан атроф муҳитнинг зарарловчи таъсирига организмнинг турғунлигини оширади.

Олинган маълумотлар асосида “Иммунацея – капсулалари” дори воситасини ўткир ва сурункали яллиғланиш касалликлари, жумладан COVID – 19 каби касалликлардаги иммунтанқислик ҳолатларини олдини олиш ва даволаш учун иммуностимулловчи ва яллиғланишга қарши восита сифатида клиник амалиёт учун тавсия этиш мумкин.

Йўтал - нафас йўллари касалликлари, жумладан COVID – 19 да ҳам юзага келиши мумкин бўлган асосий симптомлардан бири эканлигини ҳисобга олиб, “Бронхотус форте – эликсир” ва “Амброрит – таблеткалари” дори воситасилари яратилди.

“Бронхотус форте – эликсир”, «Фармстандарт - Лексредства» (Россия) МЧЖ томонидан ишлаб чиқарилган, барчага маълум бўлган «Коделак® Бронхо с чабрецом – эликсири» билан солиштириб ўрганилди. Мазкур дори воситасини қиёсий ўрганиш шуни кўрсатдики, уларни балғам кўчириш таъсири ўрганилганда, «Коделак® Бронхо с чабрецом – эликсири»га нисбатан солиштирилганда, “Бронхотус форте – эликсир” (Ўзбекистон) дори воситаси ишончли кўп қиррали балғам ажратиш хусусиятига эга ва бу хусусияти бўйича қиёсий дори воситасилардан қолишмайди.

